





Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, уни ҳаракатлантирадиган етакчи кучга айланиб бормоқда.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши республикамизда изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг мантӣқий давоми сифатида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурининг ижросини таъминлаш, мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш ва уларнинг ички бозорни сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришга қаратилган лойиҳаларини молиялаштиришда фаол иштирок этиш республикамиз банклари қаторида Самарқанд шаҳридаги “Амирбанк” хусусий очик акциядорлик тижорат банки фаолиятининг асосий мезонига айланган.

— Юртимизда яратилаётган қўлай сарможаларни туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб, уларнинг иқтисодий таъминотидаги улуши йил сайин ошиб бормоқда, — дейди мазкур банк бошқаруви раиси Раъно Мирзаева. — Бу, ўз навбатида, молия муассасалари зиммасидаги масъулиятни янада оширади. Биз давлат дастуридан келиб чиқиб, жорий йилда мазкур соҳага банк хизматлари кўрсатиш қўламини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилаш борасида устувор вазифаларни белгилаб олдик.

Ана шунга кўра “Банклар — тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи” шiori остида меҳнат қилаётган жа-

моамиз тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида умумий ҳажми 8 милли-

ард 500 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратишни режалаштирган. Барча маблағлар ҳисобидан йўналтирилаётган кредитлар ҳажми эса 15 миллиард 600 миллион сўмга етиши кўзда тутилган.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан 1 миллиард сўм, 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бўйича эса 300 миллион сўм миқдорида

циядорлик тижорат банки ўз фаолияти давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига фаол хизмат кўрсатиб келмоқда. 2010 йил мобайнида бу соҳага 7 миллиард 156 миллион сўм кредитлар ажратилгани, бу эса умумий кредитлар миқдорининг 82 фоизини ташкил этгани бунинг яққол далилидир.

Шу нарса эътиборлики, банк сарможаларидан унумли фойдаланилган корхоналарда фаолият қўламини кенгайтириб, қўшимча иш жойлари яратилапти. Самарқанд шаҳрида ўтган йили фойдаланишга топширилган “Азия grand yug” масъулияти чекланган жамияти шулардан биридир. Автомобилларга сервис хизматлари кўрсатишга ихтисослашти-

рилган ушбу корхона банкнинг 400 миллион сўмлик кредити ҳисобига ташкил этилиб, 15 нафар ёш йигит иш билан таъминланди. Ёки бўлмаса, “Samarkand sheben” масъулияти чекланган жамиятини олайлик. Банкнинг 500 миллион сўм кредити эвазига ускуна сотиб олингач, корхонада автомобиль йўлларини қуриш ва капитал таъмирлашда ишлатилган маҳсулот — асфальтбетон учун шағал маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилди. Бугунги кунда бу ерда тайёрланаёт-

лари яратилишига, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига хизмат қилаётгани қувонарлиқ. Президентимизнинг озиқ-овқат ва ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган қарорлари асосида ажратилган 2 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари нафақат ишлаб чиқаришни кенгайтириш, балки ўнлаб янги иш жойлари яратилишига асос бўлди.

2010 йилда банк томонидан кичик бизнес ва ху-



тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган йили банк томонидан 3 миллиард 965,3 миллион сўмлик кредитлари ушбу соҳаларга йўналтирилди. Натижада жойларда элликлари яратилди. Бундан ташқари, кичик бизнес субъектларига 7 миллиард 156 миллион сўм кредитлар ажратилди.

Мухтасар қилиб айтганда, “Амирбанк” хусусий очик акциядорлик тижорат банки сарможалари Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермерлик ҳаракатининг янада ривожланиши, аҳоли даромадининг кўпайиши ва турмуш фаровонлигига хизмат қилмоқда. У эзгу лойиҳаларни рўёбга чиқаришда тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчига айланиб бормоқда.

Абдурасул САТТОРОВ. 1

# «AMIRBANK»: ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМКОРИ ВА ИШОНЧЛИ ТАЯНЧИ

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Икки кунда иккита кема

Сомалилик қароқчилар Ҳинд океанида Буюк Британияга тегишли “Irene SL” юк кемасини гаровга олишди.



Бу ҳақда “Reuters” ахборот агентлиги хабар тарқатди. Босқинчилик амалга оширилган вақтда кема бортида 25 нафар экипаж аъзоси ва 266 минг тонна нефть бўлган. “Irene SL” охириги икки кун ичида қароқчилар

қўлига тушган иккинчи кема ҳисобланади. Бунгача жиноятчилар Адан кўрфазида Италиянинг нефть ташийдиган “Savina Cayup” номли кемасини гаровга олишганди. Унда 22 нафар экипаж аъзоси бўлган.

## Машғулот пайтидаги нохушлик

Покистон шимоли-ғарбидаги ҳарбийлар истиқомат қилувчи Мардан шаҳрида қучли портлаш содир этилди.

Натижада 10 нафар ҳарбий хизматчи ҳаётдан кўз юмган, камида 12 нафари тан жароҳати олган.

Қайд этилишича, кўпорувчилик аскарлар эрталаб машғулот ўтказаяётган пайтда уюштирилган.

## Молиявий инқироз оқибати

Ирландиянинг “Anglo Irish Bank” банки ўтган йилни 16,7 миллиард евро (24 миллиард АҚШ доллари) миқдоридаги зарар билан якунлаганини маълум қилди.

Мазкур молия муассасаси мамлакатдаги энг йирик банклардан бири бўлиб, у қурилиш соҳасидаги корхоналарга кредит ажратиш билан шуғулланади. Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли ўтган йиллар мобайнида бунёдкорлик ишлари ҳажми кескин камайиб кетди. Натижада қарздорлар зиммаларидаги мажбуриятларини бажара олишмади. Бу ҳолат банкнинг инқирозга юз тутишига ҳамда давлат тасарруфига ўтиб кетишига сабаб бўлди.

“Anglo Irish Bank” 2009 йил якунлари бўйича ҳам жаҳонда энг кўп зарар кўрган банклар ичида биринчи бўлганди. Ушанда у йилни 18,5 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги зиён билан якунлаганди.

## Харидор баҳоси қониқтирмади

“Google” ва “Facebook” компаниялари “Twitter” сайтини сотиб олишни мақсад қилган кўринади.

“The Wall Street Journal” нашрининг хабарига қараганда, ҳар икки харидор унинг қийматини 10 миллиард АҚШ доллари миқдорида баҳолаган. Афтидан, бу “Twitter” мутасаддиларини қаноатлантирувчи нарх эмас. Шу боис мазкур компаниялар билан музокара олиб борилмади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Advertisement for the Chamber of Commerce and Industry of the Republic of Uzbekistan, detailing services for trade and industry.

Advertisement for Shurtan Gas-Kimye Makhmuyasi, listing various industrial equipment for sale.

Advertisement for Shurtan Gas-Kimye Makhmuyasi, listing chemical reagents for sale.

